

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АТАЖАНОВ ТУЛКИНБЕК ШАВКАТОВИЧ

**ОЎҚЛАРНИНГ ДИАБЕТИК ГАНГРЕНАСИДА БОЛДИР СУЯКЛАРИ
АНАТОМИК РЕЗЕКЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Атажанов Тулкинбек Шавкатович

Оёқларнинг диабетик гангренасида болдир суяклари анатомик
резекциясини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш..... 3

Атажанов Тулкинбек Шавкатович

Разработка и оценка эффективности анатомических резекций костей
голени при диабетической гангрене нижних конечностей..... 21

Atajanov Tulkinbek Shavkatovich

Development and evaluation of the effectiveness of anatomical resections
of the leg bones in diabetic gangrene of the lower extremities..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АТАЖАНОВ ТУЛКИНБЕК ШАВКАТОВИЧ

**ОЎҚЛАРНИНГ ДИАБЕТИК ГАНГРЕНАСИДА БОЛДИР СУЯКЛАРИ
АНАТОМИК РЕЗЕКЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА УНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib982 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бабаджанов Бахтияр Дусчанбаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Баймаков Сайфиддин Рисбаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент Мусашайхов Хусанбой Таджибаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Р. Абдуллажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва IDF Diabetes Atlas нинг статистик маълумотларига кўра «ҳозирги кунда қандли диабет (ҚД) касаллиги билан 463 миллионга яқин бемор рўйхатдан ўтказилган ва 2045 йилга бориб 628,6 миллион инсон ушбу касалликдан азият чекиши тахмин қилинмоқда»¹. Қандли диабет билан оғриган беморларнинг тахминан 30-40 фоизда оёқдаги патологик ўзгаришлар билан боғлиқ муаммолар мавжуд ва уларнинг 20-25 фоизда оёқларда йирингли-некротик жараёнлар ривожланади. Қандли диабет билан оғриган беморларда ўтказиладиган оёқларнинг юқори ампутациялари барча келиб чиқиши шикастланишга боғлиқ бўлмаган ампутацияларнинг 45-70 фоизини ташкил қилади. Бунда ташрихдан кейинги ўлим кўрсаткичи 20% дан 50% гачани, тақрорий ампутациялар частотаси эса 50% ни ташкил этади. Юқорида таъкидланганларга асосланиб, оёқларнинг диабетик гангрена (ОДГ) бўлган беморларда даволаш-ташхисот тактикасини танлаш, хирургик аралашув босқичлари ва асоратларни олдини олиш муаммолари ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан ўта долзарбдир.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда патогенезида қон томир тизимининг микроциркулятор бўғини зарарланиши етакчи аҳамият касб этувчи қандли диабет фонидаги оёқлар гангренаида ампутация даражасини аниқлашга доир тадқиқотлар долзарблигича қолмоқда. Сўнгги йилларда турғун тизимли вазодилатациянинг капиллярни ремоделланишига жавобан субэндотелиал бўшлиқнинг қалинлашишига олиб келувчи таъсирига оид масалаларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда, бу эса глюкоза оксидланишининг сорбитол шунтидан фойдаланишнинг ортиши асносида, ҚДга чалинган беморларда периферик асаб тизимини шикастловчи асосий омиллардан бири сифатида қаралади. Шунингдек, йирингли-некротик жараённинг жойлашувини тўпикнинг маълум бир қисмини озиқлантирувчи артериал ҳавзаларнинг окклюзив-стенотик шикастланиши билан боғлиқлигини ўрганиш, панжанинг шикастланган жойига қараб даволаш натижаларини башорат қилиш бўйича йирингли-некротик жараённинг бошланишига ҳамда нафақат оёқ гемодинамикаси ва гангренаида, балки оёқлар таянч-харакатланиш функциясининг йўқолишига сабаб бўлувчи артериал ҳавзаларни аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтиришга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, сўнгги йилларда ҚД фонида оёқлар гангренаи билан касалланган беморларда ташхислаш ва даволаш сифати яхшиланишига эришилди. Бироқ, диабетик панжа синдромида (ДПС) оёқларнинг периферик артериялари зарарланганида жарроҳлик тактикасини танлашга оид масалалар ҳозиргача

¹ American Diabetes Association. "Standards of medical care in diabetes - 2019". Diabetes care 41. Suppl 1: s1-s159. http://care.diabetesjournals.org/content/41/Supplement_1/S1.

мунозарали бўлиб қолмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, тизза бўғими ҳамда болдир суяги ангиоархитектоникасини ўрганиш ва патогенетик жиҳатдан асосланган ампутация усулларини ишлаб чиқиш орқали оёқларнинг диабетик гангренасини даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Янги ташрих усуллари пайдо бўлиши ва ҚД касаллиги фонида оёқлар гангренасини даволаш учун турли хил алгоритмларни ишлаб чиқиш туфайли ушбу патологияни даволаш сифатини сезиларли даражада яхшилашга эришилди. Бироқ, Heller G. маълумотларига кўра “ампутация ва ўлимнинг юқори частотаси ҚДга чалинган беморларда оёқ-қўлни сақлаб қолиш учун янада самарали ёндашувларни излаш зарурлигини белгилайди”. Диабетик панжа синдромининг йирингли-некротик асоратлари бўлган беморларни ўз вақтида етарли даражада оператив даволаш касаллиқнинг кечиши ва натижасини аниқлайди. Ҳозирги вақтда ҚД касаллигида оёқларнинг йирингли-некротик касаллиқларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижаларининг яхшиланиши зарарланган оёқнинг таянч функциясини максимал даражада сақлаб қолиш билан боғлиқ. Диабетик панжа синдромининг аралаш шаклига чалинган, умумий холати ҳам оёқ ишемияси, ҳам турли хил хамроҳ касаллиқлар фонида инфекция ривожланиши билан оғирлашувчи беморлар янада мураккаб ҳисобланади. Peled E. ва ҳаммуал. (2016) таъкидлайдиларки,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

“Умуман олганда, болдир ва тўпиқ даражасидаги ампутация натижалари умид бахш этмайди”. Баъзида тўпиқда ўтказилган кичик жарроҳлик аралашувлари қониқарсиз натижаларга олиб келади ва оёқнинг юқорироқ қисмидан ампутациясини талаб қилади. Santema Т.К. ва ҳаммуал. (2016) тадқиқотлари натижасига кўра, магистрал қон айланиш сақланган холларда болдир ампутацияси ва реампутациясига кўрсатмалар қуйидагилар ҳисобланади: 1) комплекс даволаш самарасизлиги билан панжанинг олдинги қисмининг нам гангрена; 2) ўткир авж олувчи инфекция ва интоксикация билан кечувчи панжадаги йирингли-некротик жараёнлар; 3) панжанинг олдинги ва ўрта қисмлари юмшоқ тўқималарининг кенг кўламли ва чуқур некрози; 4) товон соҳаси ва панжа асоси терисининг некрози ёки болдир юмшоқ тўқималарининг маҳаллий некрози; 5) юмшоқ тўқималарда йирингли-некротик жараён билан метатарсал ва тарсал суякларнинг умумий остеомиелити. В.А. Митиш (2019) ўзининг тадқиқотларида таъкидлайдики, “ҳозирда таклиф этилган хирургик даволаш усулларининг кўплиги ва қон томирлар хирургиясида эришилган ютуқларга қарамай, оёқларнинг диабетик гангренага чалинган беморларда юқори ампутациялар частотаси ҳамда ўлим кўрсаткичи юқорилигича қолмоқда. Оёқларнинг барча нотравматик ампутацияларининг тахминан 40-60 фоизи ҳам ҚД га чалинган беморларда амалга оширилади, 85% холларда ампутацияга оёқнинг трофик яраси сабаб бўлади”.

Е.В. Селезнева (2015) таъкидлаганидек, “ҚД билан касалланган беморларнинг ўлим структурасида оёқларнинг диабетик гангрена ва унинг натижасидаги ампутацияларнинг улуши 30-35% ни ташкил қилади”. Шу билан бирга, диабетик панжа муаммосининг ҳақиқий ҳолатини баҳолаш мумкин эмас, чунки қабул қилинган ҳисоботда “диабетик панжа” нозологик шакли мавжуд эмас. Хорижий муаллифларнинг маълумотларига кўра, ўлим кўрсаткичи ампутация қилинганидан кейин бир йил ичида 11% дан 41% гачани, 3 йил ичида ташрих қилинган беморларнинг 20% дан 50% гачаси вафот этадилар, беш йил ичида эса 31% дан 68% гачани ташкил қилади. Оёқ ампутацияси амалга оширилган ҚД билан касалланган беморларнинг ярмидан кўпи ташрихдан кейинги дастлабки икки йил ичида вафот этади. Агар ампутация соннинг юқори учдан бир қисмида амалга оширилса, у ҳолда 5 йилдан кейинги ўлим кўрсаткичи 80% гача кўтарилади. Бундай юқори ўлим кўрсаткичининг энг кенг тарқалган сабаби бу юрак-қон томирлар ва буйрақлар томонидан кузатиладиган асоратлар ҳисобланади. В.А. Кулага (2016) “оёқ ампутацияси амалга оширилган беморларнинг 59,8 фоизида натижалар қониқарсиз бўлган”лигини таъкидлайди. Протезлашга муҳтож беморларнинг атиги 49,6 фоизига протезлар тайёрланган ва уларнинг атиги 20,4 фоизи улардан мунтазам равишда фойдаланган. Беморларнинг атиги 8,7 фоизи касбий фаолиятга қайтган. Ташрихдан кейинги эрта даврдаги ўлим кўрсаткичи 5,5% ни ташкил этган. Ўн йиллик кузатув давридаги беморларнинг умумий ўлим кўрсаткичи 56,5% га етган ва атеросклеротик жараённинг тарқалишига, хамроҳ касалликнинг оғирлиги ва ташрихдан кейинги даврдаги комплекс даволаш самарадорлигига боғлиқ бўлган.

Адабиёт маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда қандли диабет фонида оёқнинг йирингли-некротик шикастланишларида жарроҳлик тактикасининг бир қатор ҳал этилмаган муаммолари мавжуд, хусусан, зарарланган периферик артериал оқим сегментига боғлиқ ҳолда юқори ампутация амалиётларини бир босқичда ёки босқичма-босқич амалга ошириш, инфекция жараёнлар кенг кўламли йирингли жараёнлар билан бирга келганда юқори ампутацияларга аниқ кўрсатмалар, оёқ ампутацияси даражасини аниқлаш муаммолари. Уларнинг ечими, умуман олганда, оёқларнинг диабетик гангренага чалинган беморларни ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлиши керак.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01070069-сон «Йирингли-яллиғланишли касалликларнинг патогенетик жиҳатдан асосланган ташхислаш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2021 й.).

Тадқиқотнинг мақсади қандли диабет фонида оёқлар гангренага чалинган беморларда болдир ампутацияси натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оёқлар диабетик гангренага бўлган беморларда болдир ампутациясининг анъанавий усуллари натижаларини баҳолаш;

болдир ангиоархитематикасини ва унинг оёқлар диабетик гангренага болдир ампутацияси натижаларига таъсирини аниқлаш;

оёқлар диабетик гангренага бўлган беморларда болдир ампутацияси усулини такомиллаштириш;

қандли диабет фонида оёқлар диабетик гангренага бўлган беморларда такомиллаштирилган усул самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2007-2018 йиллар мобайнида Республика йирингли хирургия ва қандли диабетнинг хирургик асоратлари марказида оёқларнинг диабетик гангренага билан стационар равишда даволанган 89 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети оёқларнинг диабетик гангренага чалинган беморларда болдир ампутациясининг яқин ва узоқ муддатдаги натижалари таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник (лаборатор, биокимёвий), инструментал (ультратовуш, доплерографик), нур ташхисот (МСКТ, КТ ва рентгенография, ангиография) ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

орқа катта болдир артериясидан шохланувчи ва ташрихдан кейинги даврда маҳаллий артериал қон айланишини ремоделлашувида иштирок этувчи катта болдир суягини озиклантирувчи артериянинг (a.nutricia tibia) аҳамияти аниқланган;

қандли диабет фонида оёқлар гангренада ташрихдан кейинги даврда реабилитация учун етарли чўлтоқ яратилишини, озиклантирувчи артериянинг анатомик яхлитлигини сақлаш билан тизза бўғимидан 12-15 см пастда катта болдир суяги резекциясини ҳисобга олган ҳолда болдир даражасида оёқ ампутациясининг амалга ошириш хусусиятларига аниқлик киритилган;

оёқларнинг диабетик гангрена си бўлган беморларда катта болдир суяги резекцияси даражаси билан боғлиқ бўлган болдир ампутациясининг янги усули ишлаб чиқилган;

қандли диабет фонида оёқларнинг диабетик гангрена си бўлган беморларда болдир чўлтоғининг ташрихдан кейинги асоратлари сонини ва сон соҳасидан реампутациялар частотасини камайтириш билан ишлаб чиқилган ташрих усулининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оёқларнинг диабетик гангрена си бўлган беморларда жарроҳлик аралашуви тактикаси юқори ампутация муқаррар бўлган ҳолларда, операциядан кейинги реабилитацияни ҳисобга олган ҳолда, оёқнинг таянч функциясини сақлашга, болдир соҳасидан ампутация қилиш учун мутлак қарши кўрсатма бўлганда эса, сон соҳасидан бирламчи ампутация қилишга қаратилган бўлиши лозимлиги аниқланган;

қандли диабет фонида оёқлар гангрена си бўлган беморларда болдир ампутациясини ўтказишда, ташрихдан кейинги асоратлар ва реампутациялар сонини камайтириш учун, катта болдир суягини озиклантирувчи артериянинг (a. nutriticia tibia) аҳамияти албатта ҳисобга олиниши кераклиги исботланган;

болдир ампутациясини амалга оширишда қониқарли натижаларга эришиш учун тизза бўғимидан 12-15 см дистал соҳада, озиклантирувчи қон томирнинг анатомик яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда катта болдир суяги резекциясининг оптимал даражаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхисот ва даволаш усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, ташрихдан кейинги давр кечишини башорат қилиш ва техник ёндашувларни такомиллаштиришга имкон берувчи, тизза бўғими таянч функциясини сақлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда оёқларда диабетик гангрена ривожланишининг патогенетик жиҳатларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ҚД фонида оёқлар гангрена си бўлган беморларда ишлаб чиқилган усул бўйича болдир ампутациясини амалга ошириш ташрихдан кейинги асоратлар сонини кескин камайтириши, тизза бўғимини сақлаб қолиши билан оёқлар диабетик гангрена си бўлган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, умуман олганда,

ушбу тоифадаги беморларда реампутациялар частотасини камайтиришга, таянч функциясини қисман сақлаб қолишга, ўлим кўрсаткичларини камайтиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оёқлар диабетик гангрена си бўлган беморларда юқори ампутациялардан сўнг даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диабетик панжа синдромининг хирургик асоратлари мавжуд беморларни даволашга ёндашувларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Диабетик панжа синдромининг хирургик асоратларини даволашга янгича ёндашувлар» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 июндаги 08-09/6782-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар ҚД фонида оёқлар гангрена си бўлган беморларда хирургик даволаш стратегиясини танлашни такомиллаштиришга имкон берган;

оёқларнинг диабетик гангрена си га чалинга беморларда болдир ампутация си натижаларини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Оёқлар диабетик гангрена си га болдир ампутация си натижаларини яхшилаш стратегия си» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 июндаги 08-09/6782-сон маълумотномаси). Таклиф этилган усул ташрихдан кейинги даврда чўлтоқнинг бирламчи битиши самарадорлигини яхшилашга, йиринглаш частотасини, шунингдек такрорий реампутациялар эҳтимолини камайтиришга имкон берган;

оёқларнинг диабетик гангрена си бор беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасининг ҳамда Хоразм ва Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларининг йирингли жаррохлик бўлимлари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 июндаги 08-09/6782-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини жорий этиш қандли диабет фонида болдир ампутация сининг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштиришга, жароҳатни бирламчи битиши улушини 62,9% дан 85,2% гача яхшилашга, қониқарсиз натижалар эҳтимолини қайта реампутация қилиш зарурати билан 17,1% дан 1,8% гача камайтиришга, тизза бўғимини сақланиши частотасини 82,9% дан 98,2% гача оширишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробация си. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Оёқларнинг диабетик гангренасини ташхислаш ва хирургик даволаш стратегиясининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида оёқларнинг диабетик гангренасига чалинган беморларни хирургик даволаш муаммоларига бағишланган, хусусан, ҚД фониди турли артериал ҳавзаларининг зарарланишларида юқори ампутация амалиётларини бажаришга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар ҳамда муддатига оид адабиётлар шарҳи келтирилган. Қўшимча ўрганиш ва ишланмаларни талаб қилувчи мунозарали ва ҳал қилинмаган муаммолар кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва қўлланилган текшириш усуллариининг тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида 2012 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг йирингли хирургия ва ҚД нинг хирургик асоратлари бўлимида даволанган оёқларнинг диабетик гангренасига чалинган беморларни текшириш ва даволаш натижалари батафсил ўрганилган. ДПС фониди оёқларнинг гангренаси ушбу тадқиқотга қўшиш мезони бўлди.

Барча текширилган беморлар, ўтказилган диагностика ва жарроҳлик аралашувларга кўра, 2 гуруҳга бўлинган.

Таққослаш учун хизмат қилган 1-гуруҳни 2012-2015 йилларда шифохонада стационар равишда даволанган 35 (39,4%) нафар бемор ташкил этган. Ушбу гуруҳ беморларида болдир даражасидаги оёқ ампутацияси анъанавий усул (болдир ангиоархитектоникасини ҳисобга олмаган ҳолда) ёрдамида амалга оширилган.

Асосий гуруҳ ҳисобланган 2-гуруҳга 2016-2020 йилларда даволанган 54 (60,6%) нафар бемор киритилган. Уларда болдир ампутацияси катта болдир суягида қон айланишини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган янги усул бўйича амалга оширилган.

Йирингли-некротик жараённинг локализацияси таҳлил қилинганда, аксарият ҳолларда патологик жараён бутун оёқни қамраб олганлиги аниқланди: асосий гуруҳда 29 (53,7%) нафар беморда, таққослаш гуруҳида эса 20 (57,1%) нафарида. Тўпиқ соҳасидаги йирингли-некротик жараён камроқ, яъни мос равишда, текширилганларнинг 3,7 ва 8,5 фоизида кузатилган. Тўпиқ даражасига қадар бутун оёқ гангренаси билан бир қаторда, 22 (24,7%) нафар беморда флегмона ёки фасцит белгилари билан болдир тўқималарининг жараёнга қўшилиши кузатилган. Мушаклараро бўшлиқлар

ёки пайлар мажмуаси орқали тарқалган оёқнинг чирикли флегмонаси 13 (14,6%) нафар беморда кузатилган. Ушбу беморларда келгуси хирургик тактика организмнинг тизимли яллиғланишли реакция синдромининг оғирлигига қараб аниқланган (1-жадвал).

1-жадвал.

Беморларни йирингли-некротик жараённинг жойлашувига кўра тақсимланиши


Жароҳат кўлами	Асосий гуруҳ, n=54		Таққослаш гуруҳи, n=35		χ^2	P
	абс.	%	абс.	%		
Болдирга ўтган панжа гангренаси	15	27,8	7	20,0	0,69	>0,05
Панжанинг чирикли флегмонаси	8	14,8	5	14,3	0,00	>0,05
Товон соҳаси гангренаси	2	3,7	3	8,6	0,95	>0,05
Бутун панжа гангренаси	29	53,7	20	57,1	0,10	>0,05
Жами	54	100,0	35	100,0		

Беморларни текширишда умумий клиник усуллардан ташқари (умумий қон ва сийдик таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, коагулограмма, ЭКГ) қуйидаги ташхис усуллари қўлланилган:

- Оёқлар қон томирлари УТДГ;
- Оёқлар қон томирлари МСКТ;
- Рентгенография
- Компьютер томография
- Микробиологик текширувлар;

Оёқларнинг артериал қон томирлари архитектурасини ўрганиш, тақим артерияси (a. poplitea) дистал йўналиб, тизза ёриғидан пастда 2 та артерияга – олдинги (a. tibialis anterior) ва орқа (a. tibialis posterior) катта болдир артерияларига бўлинишини кўрсатди. Бифуркациядан пастроқда орқа тибил артериядан кичик болдир артерияси (a. peronea) тармоқланади. Сўнгра кичик болдир артерияси тармоқланган соҳадан 2-4 см пастроқда одам организмидаги энг катта суяк артерияси – катта болдир суягини озиклантирувчи артерия (a. nutriticum) тармоқланади (1(A)-расм).

Ушбу артерия бошқа суяк артерияларидан кўра бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Катта диаметрдан ташқари, катта болдир суягининг озиклантирувчи артерияси суяк ичида жойлашган (бошқа ҳолларда суяк артерияси суяк усти пардаси остида жойлашади) ва катта болдир суягининг юқори-ўрта қисми соҳасига киргандан сўнг эпифизгача дистал йўналади (1(B)-расм).




1-расм. (А) Катта болдир суягини озиклантирувчи артериянинг чиқиш жойи: 1. *posterior tibial artery*; 2. *nutrient artery*; 3. *medial malleolar branch*; 4. *calcaneal branch*; 5. *medial plantar artery*; 6. *deep plantar artery (to arcuate artery)*; 7. *popliteal artery*; 8. *circumflex fibular artery*; 9. *anterior tibial artery*; 10. *fibular (peroneal) artery*; 11. *nutrient artery*; 12. *lateral malleolar branch of fibular (peroneal) nutrient artery*; 13. *calcaneal branch*; 14. *lateral plantar artery*; 15. *plantar arterial arch*.

(Б) Болдир ва тизза тўри артериялари орасидаги артериал анастомоз:

1. *rete patellaris*; 2. *a. recurrens tibialis anterior*; 3. *a. tibialis anterior*; 4. *a. fibularis (peronea)*; 5. *a. femoralis*; 6. *a. descendens genicularis*; 7. *a. poplitea*; 8. *a. superior medialis genus*; 9. *a. poplitea*; 10. *a. tibialis posterior*

Болдир ампутациясининг ушбу усулини бажариш учун олд ва орқа тери-фасциал лахтаklar шакллантирилади, бунда орқа лахтак катталиги бўйича олдингисидан қарийб уч баробар катта бўлади ҳамда чўлтоқда таранглик пайдо бўлишини олдини олиш учун болдир мушагини ўз ичига олади. Бунда, бирламчи суяк қадоғи хосил бўлишида ва чўлтоқ соҳасидаги неоангиогенез жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган, тизза ёриғидан 12-15 см пастрокда орқа катта болдир артериясидан (*a. tibialis posterior*) тармоқланувчи катта болдир суягини озиклантирувчи артериянинг (*a. nutricium*) жойлашувига эътибор қаратиш лозим (2-расм).



2-расм. Катта болдир суяги резекцияси даражаси.

Шундай қилиб, икки клиник гуруҳдаги беморларнинг дастлабки ҳолатини таҳлили, уларнинг репрезентативлигидан далолат беради, бу эса олинган натижаларнинг адекват қиёсий таҳлилинини ўтказишга имкон берди.

Диссертациянинг «**Оёқлар диабетик гангренасини анъанавий усулда даволаш натижаларининг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида анъанавий даволаш алгоритми бўйича таққослаш гуруҳидаги беморларни текшириш ва даволаш натижалари тавсифланган.

Таққослаш гуруҳидаги беморларнинг йирингли-некротик шикастланиш жойлашувига кўра умумий тавсифи, уларнинг 28 (80%) нафаридан индивидуал ёндашув ва терапевтик чора-тадбирлар комплексини талаб қилувчи, бошқа аъзоларида ҳамроҳ касалликлар мавжудлигини кўрсатди. Шу билан бирга, ҳамроҳ касалликлари бўлган 14 (50%) нафар беморда панжанинг тўлиқ гангрена аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал.

Таққослаш гуруҳидаги беморларнинг жараённинг жойлашуви ва ҳамроҳ касалликларга кўра тақсимланиши

Хамроҳ касалликлар	Товон соҳаси гангрена		Панжанинг чирикли флегмона		Болдирга ўтган бутун панжанинг гангрена		Бутун панжанинг гангрена		Жами	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
ЮИК, инфарктдан кейинги кардиосклероз	3	75,0	2	40,0	3	60,0	7	50,0	15	53,6
ТИХ, БМҚАЎБ	0	0	1	20,0	1	20,0	2	14,3	4	14,3
Диабетик нефропатия, СБЕ	1	25,0	2	40,0	1	20,0	5	35,7	9	32,1
Жами	4	14,3	5	17,9	5	17,9	14	50,0	28	100

Ҳамроҳ касалликлар бўйича кўрсаткичлар йирингли жараённинг зўрайиши ва панжа юмшоқ тўқималарининг йирингли асоратлари бўлган беморларда бир хил – 17,8% ни ташкил этди. Товон соҳаси гангренаси мавжуд 4 (14,3%) беморда бошқа нишон аъзоларида касаллик аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, таққослаш гуруҳидаги беморларнинг ярмидан кўпида (53,5%) юрак фаолияти билан боғлиқ муаммолар бўлган. Буйрак дисфункцияси – диабетик нефропатия ва сурункали буйрак етишмовчилигининг клиник ва лаборатор белгилари 9 (32,1%) нафар беморда кузатилган.

Бош миёда қон айланишини ўткир бузилиши ёки бош миёнинг артериал ҳавзаларида транзитор ишемик ҳужум (ТИА) белгилари бўлган беморлар камроқ кузатилди (4 (14,3%)) (3-жадвал).

3-жадвал.

Болдир ампутацияси бажарилган таққослаш гуруҳидаги беморларни диабетик тўпиқ синдромининг шаклига кўра тақсимланиши, абс. (%)

ДТС шакли / Даволаш натижаси	Ишемик	Нейро-ишемик	Беморлар сони (n=35)	%	χ^2	P
Бирламчи битиш	4	18	22	62,9	0,12	>0,05
Чўлтоқ жарохатининг ташрихдан сўнгги йиринглаши:						
- улардан сон соҳасидан реампутация	1	3	4	11,4	0,36	>0,05
Болдир чўлтоғи ишемияси:						
- улардан сон соҳасидан реампутация	2	7	9	25,7	0,07	>0,05
ЖАМИ	7 (20)	28 (80)	35	100	25,20	<0,001

Шундай қилиб, оёқларнинг диабетик гангренаси бўлган беморларда жарроҳлик аралашувини амалга ошираётганда, нафақат йирингли-некротик жараённинг жойлашувига, балки ташрих ва ташрихдан кейинги даврга таъсир кўрсатувчи ҳамроҳ касалликларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Асосий эътибор аъзо ва тизимлардаги бузилишларни тuzатишга қаратилди, бу усуллар ҳам беморнинг аҳволи оғирлигига ва йирингли-яллиғланиш жараёнининг кечишига қараб индивидуал танланди.

Таққослаш гуруҳидаги беморларда болдир ампутацияси натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, 35 беморнинг 22 (62,8%) нафарида ташрихдан кейинги даврнинг осойишта кечиши ва болдир чўлтоғининг бирламчи битиши кузатилган. Жарохатни адекват дренажлаш ва ўтказилган антибактериал терапиядан қатъий назар, 3 (8,5%) нафар беморда чўлтоқнинг йиринглаши ёки флегмонаси кузатилди.

Ташрихдан кейинги жарохат соҳасида некротик ишемик ўзгаришлар 4 (11,4%) нафар беморда кузатилиб, консерватив даво муолажалари орқали бартароф этишга эришилди. Болдир чўлтоғи соҳасида юмшоқ тўқималарнинг

кенг кўламли шикастланиши ёки ишемиянинг зўрайиши сабабли 6 (17,1%) нафар беморда тизза бўғими юқорисидан реампутация қилишга мажбур бўлинди.

ДПС шаклига кўра, сон сохаси даражасида реампутация частотаси деярли бир хил бўлди: ишемик турида – 14,5%, нейроишемик турида – 17,8%. Ташрихдан кейинги чўлтоқнинг бирламчи битиши ДПС нинг нейроишемик шаклида 64,3% ҳолларда, ишемик шаклда эса 57,1% ҳолатда кузатилган (4-жадвал).

4-жадвал.

Асосий гуруҳдаги беморларда ҳамроҳ касалликларга боғлиқ ҳолда панжа шикастланишининг хусусиятлари

Зарарланиш кўлами	Беморлар сони, n=54		ЮИК, инфарктдан кейинги кардиосклероз (анамнезида)		ТИХ, БМҚАЎБ (анамнезида)		Диабетик нефропатия, СБЕ	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Товон сохаси гангренази	2	3,7	1	4,3	0	0	1	9,1
Панжанинг чирикли флегмонази	8	14,8	3	13,0	1	16,7	1	9,1
Болдирга ўтган бутун панжа гангренази	15	27,8	7	30,4	2	33,3	2	18,2
Бутун панжа гангренази	29	53,7	12	52,2	3	50,0	7	63,6
ЖАМИ	54	100	23	42,6	6	11,1	11	20,4

Шундай қилиб, таққослаш гуруҳи беморлари орасида оёқларнинг болдир даражасида ампутацияси анъанавий техникадан фойдаланган ҳолда амалга оширилганда, 82,9% ҳолларда тизза бўғимини сақлаб қолиш мумкин бўлган ҳамда чўлтоқнинг бирламчи битиши 22 (62,9%) нафар беморларда кузатилган. Қолган 7 (20%) нафар беморларда чўлтоқнинг иккиламчи битиши кузатилган. Яққол намоён бўлган йирингли-некротик жараённинг (1) ва чўлтоқ ишемиясининг (5) проксимал йўналишда кучайиши билан 6 (17,1%) нафар беморда интоксикацияни бартараф этиш ҳамда ҳаётини сақлаб қолиш учун сон сохаси даражасида реампутация амалга оширилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Оёқлар диабетик гангреназида болдир ампутациясининг ишлаб чиқилган усули самарадорлигининг таҳлили**» тақдим қилинган. Таққослаш гуруҳидаги беморларни даволаш натижалари таҳлили кўрсатганидек, болдир ампутациясининг анъанавий усулини қўллаганимизда, бир қанча муҳим камчиликлар бўлган, бу эса оёқларнинг болдир даражасидаги ампутацияси натижаларини ёмонлаштирган. пастки оёқдан. Шу муносабат билан, ҳар бир ҳолатда тизза

бўғимини сақланишини таъминлайдиган янги, адекват усулни излаш зарурати пайдо бўлди.

Ушбу тадқиқотда асосий гуруҳга 2016-2020 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг йирингли хирургия бўлимида стационар равишда даволанган, болдир даражасидаги оёқ ампутацияси ишлаб чиқилган усулга мувофиқ бажарилган 22-86 ёшдаги 54 нафар бемор киритилган.

Клиник материал батафсил таҳлил қилинганда бир қизиқ ҳолат кузатилди. Асосий гуруҳнинг 40 (74,1%) нафарида, анамнезида ёки мурожаат қилган вақтда, бошқа артериал ҳавзаларда патологик аномалиялар кузатилган ва улар бир қатор ҳамроҳ касалликларга чалинганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, 54 бемордан 23 (42,6%) нафарининг анамнезида ЮИК ёки ЎМИ кузатилган, 6 (11,1%) нафарида ТИХ ёки бош мияда қон айланишини ўткир бузилиши, 11 (20,8%) нафарида диабетик нефропатия (СБЕ) белгилари аниқланган (5-жадвал).

5-жадвал.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг ДПС шаклига кўра даволаш натижалари

ДТС шакли / Даволаш натижаси	Ишемик	Нейро-ишемик	Беморлар сони (n=35)	%	χ^2	P
Бирламчи битиш	11 (73,3)	35 (89,8)	46	85,2	2,31	>0,05
Чўлтоқ жароҳатининг ташрихдан сўнгги йиринглаши:						
- улардан сон соҳасидан реампутация	1	3	4	7,4	0,02	>0,05
Болдир чўлтоғи ишемияси:	3	1	4	7,4		
- улардан сон соҳасидан реампутация	1	0	1	1,8	2,39	>0,05
ЖАМИ	15 (27,8)	39 (72,2)	54	100	21,33	<0,001

Болдирнинг юқори 1/3 даражасида ампутацияси ишлаб чиқилган усул ёрдамида амалга оширилганда, 85,2% ҳолларда чўлтоқнинг бирламчи битишига эришилди. Ташрихдан кейинги даврда чўлтоқ соҳасида флегмона ривожланган 1 (1,8%) нафар беморда сон даражасида реампутация бажарилди. Флегмонани отопси ва некротик тўқималарни олиб ташлаш билан жароҳатни кенг жарроҳлик дебридменти ўтказилди, аммо жараён вақт ўтиши билан проксимал йўналишда давом етди, шунинг учун femur қайта ампутация қилинди. Флегмонани очиш ва некрозга учраган тўқималарни кесиш билан жароҳатга кенг кўламли хирургик ишлов берилди, лекин динамикада жараён проксимал йўналишда зўрайиши кузатилди, шунинг учун сон реампутацияси амалга оширилди. Даволашнинг яхши натижаларига ДПС нинг нейроишемик шакли билан оғриган беморларда эришилди, чунки ушбу тоифадаги беморларда реампутацияга эҳтиёж бўлмади ва деярли 90% ҳолларда ташрихдан кейинги давр осойишта кечган (6-жадвал).

**Панжада йирингли-некротик зарарланиш жойлашувига кўра даволаш
натижаларининг таҳлили, %**

Натижа	Тўпик соҳаси гангренаси		Панжанинг чирикли флегмонаси		Болдирга ўтган бутун панжа гангренаси		Бутун панжа гангрена си		Жами	
	0	0	7	87,5	11	73,3	28	96,6	46	85,2
Бирламчи битиш	0	0	7	87,5	11	73,3	28	96,6	46	85,2
Чўлтоқ йиринглаши	1	50,0	1	12,5	2	13,3	0	0	4	7,4
Чўлтоқда ишемик ҳолат	1	50,0	0	0	1	6,7	1	3,4	3	5,6
Сон даражасида реампутация	0	0	0	0	1	6,7	0	0	1	1,8
ЖАМИ	2	3,7	8	14,8	15	27,8	29	53,7	54	100

Ташриҳдан кейинги даврда болдир чўлтоғининг йиринглаши 4 (7,4%) нафар беморда кузатилди. Шу билан бирга, чўлтоқ жароҳати инфекциясининг клиник кўриниши бир қатор ҳолатлар билан аниқланди, улар орасида оёқларда ортга қайтмас ишемия ривожланишининг сабаблари, чўлтоқда қон айланишининг ҳолати ва беморнинг организмнинг захира имкониятлари муҳим аҳамият касб этди. Ушбу асорат яққол намоён бўлмаган умумий аломатларсиз ва интоксикациясиз клиник кўринишга эга бўлган.

Оёқларнинг диабетик гангренашига чалинган беморларда болдир ампутацияси пайтида суякнинг анатомик резекцияси жуда самарали бўлган. Асосий гуруҳ беморлари орасида 46 (85,2%) нафар беморда болдир чўлтоғининг бирламчи битиши кузатилган.


Ташриҳдан кейинги даврда 7 (13%) нафар беморда юзаки йиринглаш ва чўлтоқ ишемияси белгилари аниқланди. Ҳатто чуқур йиринглашда ҳам, агар у маҳаллий ва чекланган бўлса ва атроф тўқималар қон билан қониқарли таъминланса, муваффақиятга умид қилиш ва жароҳатни даволашга фақат маҳаллий консерватив даво ёрдамида эришиш мумкин. Ўтказилган адекват антибактериал терапия ва маҳаллий артериал қон оқимини яхшиловчи дорилардан (простаноидлар) фойдаланилганлиги сабабли такрорий ампутацияларга эҳтиёж бўлмади (7-жадвал).

Чўлтоқ флегмонаси бўлган бир беморда сон даражасида реампутация ўтказилди. Ушбу ҳолатда, беморга тегишли даволаш чора-тадбирлар мажмуасини ўтказган ҳолда бир неча бор чўлтоққа хирургик ишлов бериш амалга оширилган. Амалга оширилган муолажаларга қарамай, панжада йирингли-некротик жараён зўрайиб, тизза бўғимини қамраб олганлиги туфайли, тизза бўғимидан юқоридан ампутация қилишга мажбур бўлди.

Оператив даволашнинг натижаси, албатта, йирингли-некротик ўчоқнинг жойлашувига ва болдир чўлтоғи соҳасидаги ишемиянинг компенсациясига боғлиқ. Болдирнинг ангиоархитектоникасини ўрганиш ва озиқлантирувчи

артериянинг сақланиши ва унинг ташрихдан кейинги даврнинг кечишига таъсир этишига боғлиқ холда оёқ суяқларини резекция қилиш натижаларини баҳолаш асосида, оёқларнинг диабетик гангренаида болдир ампутиациясининг янги усулини таклиф қилдик.

Асосий гуруҳда чўлтоқ ишемияси 11,4% дан 5,6%гача, яъни икки баравар камайди. Болдир чўлтоғининг яққол ишемияси ёки йирингли асоратлари туфайли реампутиация қилинган беморларда даволаш натижаларида ишончли фарқ қайд этилди. Таққослаш гуруҳида ушбу кўрсаткич 17,1% ни ташкил этди, асосий гуруҳда эса, янги усул жорий этилгандан сўнг 1,8% гача камайди (3-расм).



3-расм. Оёқларнинг диабетик гангренаида ишлаб чиқилган ампутиация усулининг самарадорлик кўрсаткичлари.

Беморларнинг оёқ ампутиациясидан кейинги реабилитацияси ташрих босқичларига кирмайди, лекин одамнинг нормал ҳаётга қайтишининг муҳим шарти ҳисобланади. Оёқнинг ампутиация даражаси соғлом тўқималарнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, оёқ функциясини иложи борича сақлаб қолиш, протезлаш учун яроқли бўлган чўлтоқни ҳосил қилиш, фантом оғриқлар ва бошқа асоратлар ривожланишини бартараф этиш тарзида индивидуал аниқланади. Агар ампутиация тўғри бажарилган, оёқ ампутиациясининг адекват даражаси танланган ҳамда инфекцияни олдини олиш амалга оширилган бўлса, жиддий асоратлар пайдо бўлмаслиги керак.

Оёқларнинг диабетик гангренаида болдир ампутиациясининг янги ишлаб чиқилган усули ёрдамида асосий гуруҳдаги беморларнинг 98,2 фоизида функционал тизза бўғимини сақлаб қолишга эришилди. Болдир ампутиациясининг анъанавий усулларида фойдаланган холда, 35 беморнинг 29 (82,9%) нафарида тизза бўғими сақлаб қолинган. Ушбу маълумотлар анъанавий ампутиация усулларида қараганда ташрихдан кейинги даврда ижобий натижалар устунлиги билан ишлаб чиқилган усулнинг юқори самарадорлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, оёқларнинг диабетик гангрена­сига чалинган беморлар ДПС билан оғриган беморларнинг энг оғир контингентини ташкил қилади. Натижаларимиз шуни кўрсатдики, болдир ампу­тациясида реампутациянинг юқори кўрсаткичлари ва асоратларнинг юқори частотаси ампу­тация даражасининг адекват эмаслиги билан боғлиқ. Оёқларнинг диабетик гангрена­си билан оғриган беморларда болдир ампу­тациясини амалга оширишда суяк кесилгандан сўнг болдир чўлтоғи соҳасида артериал тўр ремоделланишида ҳамда суякда бирламчи қадоқ хосил бўлишини тезлашувида муҳим рол ўйнайдиган катта болдир суягини озиклантирувчи артерияни сақлаб қолиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

1. Таққослаш гуруҳи натижаларининг таҳли­ли болдир чўлтоғининг бирламчи битиши атиги 62,8% да қайд этилганлигини кўрсатди. 17,1% ҳолатларда болдир чўлтоғида асоратлар ривожланиши сабабли беморларда сон соҳасидан реампутация амалга оширилган.

2. Болдир чўлтоғида асоратлар ривожланиши сабабларининг таҳли­ли шуни кўрсатдики, ампу­тация, одатда болдир суякларининг қон билан таъминланиши ҳисобга олинмасдан амалга оширилган. Орқа катта болдир артериясидан тармоқланувчи ва ташрихдан кейинги даврда маҳаллий артериал қон оқимини ремоделлашувида иштирок этувчи, катта болдир суягини озиклантирувчи артериясининг (a.nutricia tibia) аҳамияти аниқланди.

3. Озиклантирувчи артериянинг анатомик яхлитлигини сақлаган ҳолда катта болдир суягини тизза бўғимидан 12-15 см пастроқда резекция қилиш болдир чўлтоғининг ташрихдан кейинги жароҳатининг битишини яхшилашга имкон беради ҳамда болдир ампу­тациясини амалга оширишнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади (ЎзР Интеллектуал мулк агентлигининг 06.06.2018 йилдаги IAP20170251-сон ижобий қарори).

4. Оёқларнинг диабетик гангрена­си бўлган беморларда болдир ампу­тациясининг такомиллаштирилган усулини қўллаш болдир чўлтоғининг ташрихдан кейинги асоратлари частотасини 37,2% дан 14,8% гача қисқартиришга ҳамда тизза бўғимини сақлаб қолиш частотасини 82,9% дан 98,2 гача оширишга имкон беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 ПРИ
АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

АТАЖАНОВ ТУЛКИНБЕК ШАВКАТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА И ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ АНАТОМИЧЕСКИХ
РЕЗЕКЦИЙ КОСТЕЙ ГОЛЕНИ ПРИ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ
ГАНГРЕНЕ НИЖНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

АНДИЖАН – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2019.2.PhD/Tib982.

Диссертационная работа выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.adti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный руководитель: **Бабаджанов Бахтияр Дусчанбаевич**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Баймаков Сайфиддин Рисбаевич**
доктор медицинских наук, доцент

Мусашайхов Хусанбой Таджибаевич
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский государственный медицинский институт**

Защита состоится «_____» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного Совета PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 при Андижанском государственном медицинском институте (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за № _____). (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2021 года).

М.М. Мадазимов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, доцент

М.Ф. Нишанов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, доцент

Б.Р. Абдуллажонов

Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация PhD диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения и по статистике IDF Diabetes Atlas «на сегодняшний день зарегистрировано около 463 млн больных сахарным диабетом (СД), а согласно прогнозам, к 2045 году этим заболеванием будут страдать 628,6 млн человек»¹. Около 30-40% больных с СД имеют проблемы, связанные с патологическими изменениями стопы, а у 20-25% из них возникают гнойно-некротические процессы нижних конечностей. Высокие ампутации нижних конечностей, осуществляемые у больных СД, составляют 45-70% от всех ампутаций нетравматического происхождения. Послеоперационная летальность при этом колеблется от 20 до 50%, а частота повторных ампутаций составляет 50% случаев. Исходя из вышеизложенного, проблема выбора лечебно-диагностической тактики, этапности хирургических вмешательств и профилактики осложнений у больных с диабетической гангреной нижних конечностей (ДГНК) является крайне актуальной как с научной, так и с практической точек зрения.

В мировой хирургической практике в настоящее время актуальными исследованиями остаются изучение определения уровня ампутации нижней конечности при гангрене на фоне СД, в патогенезе которых ведущую роль играют повреждение микроциркуляторного звена сосудистой системы. В последние годы всё большее внимание привлекает вопрос о влиянии стойкой системной вазодилатации, провоцирующей утолщение субэндотелиального пространства на ремоделировании капилляра в целом, что на фоне усиленного использования сорбитолового шунта окисления глюкозы расценивается как один из основных факторов поражения периферической нервной системы у пациентов СД. А также, остаются актуальными, изучения зависимости локализации гнойно-некротического процесса с окклюзионно-стенозированными поражениями артериальных бассейнов питающие определенную область стопы, исследования определяющие прогнозировать результаты лечения в зависимости пораженного очага на стопе, направленные на уточнение артериальных бассейнов, приводящие возникновению гнойно-некротического процесса, приводящих не только к расстройству гемодинамики и гангрену стопы, тем самым потере опорно-двигательной функции конечности.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер, направленных на расширение диапазона оказываемой медицинской помощи населению, в частности, в последние годы достигнуто улучшение качества диагностики и лечения больных с гангреной нижних конечностей на фоне сахарного диабета. Однако, до настоящего времени остаются вопросы выбора хирургической тактики ведения при наличии поражения периферических артерий нижних конечностей при синдроме диабетической стопы. В стратегию действий по

¹ American Diabetes Association. "Standards of medical care in diabetes - 2019". Diabetes care 41. Suppl 1: s1-s159. http://care.diabetesjournals.org/content/41/Supplement_1/S1.

пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности². Реализация данных задач, в том числе улучшение результатов лечения диабетической гангрены нижних конечностей за счет изучения ангиоархитектоники коленного сустава и голени в целом и разработки патогенетически обоснованных методов ампутации является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» за №УП-5590 от 7 декабря 2018 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за №ПП-3071 от 20 июня 2017 года и «Об утверждении Национальной программы по совершенствованию эндокринологической помощи населению республики на 2019-2021 годы» за №ПП-4295 от 19 апреля 2019 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

